

TEATRLAR »2
Eskir(may)di(mi)...



Yurtimizning »7
noyob qushlari



Oila va jamiyat

№ 2 (1499)
20-YANVAR
2021-yil

@«Oila va jamiyat» газетаси

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

"Menga er kerak,
kirimni yuvadigan er..."

TikTok dagi BEANDISHA ONALAR

•8

УШВУ СОНДА:

“Boshlash uchun erta ham, kech ham emas”

12 ёшли болакай фозилу уламолар устозлигига ҳарбий таълим, фиқр илми, араб ва форс тилларини мұкаммал ўргана бошлайди ва тарихий ҳамда адабий асарларни мутолаа қилиб, довюраклиги сабаб "Бобур" ("Шеър") лақабини олади.

»3

AMERIKALIK KELIN NEGA AJRASHDI?

Наҳотки эркаклар шундай бевафо бўлса, аёлнинг садоқатига жавоб шуми?.... Бир қиз ўзбек йигитини деб, океан ошиб, ота-онаси, қариндош-урӯғлари, нафас олаётган юртидан кечиб келса-ю бу нонисоф эр унинг муҳаббатини, садоқатини оёқости қилса?...

»4

ERTALAB XUSH KAYFIYAT LOZIM

Кунни яхши ва хуш кайфиятда бошлаган ходимлар эса мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатишни таклиф қилишган. Аниқроғи, ўз нутқларида "уф" ёки "эҳ" каби сўзларни камроқ ишлатишиди.

»5

XIYONATNING YUKI OG'IR

– Сумкада ўзимни операция қилдириш ва дори-дармонлар сарфи учун иккى йил йигиб, камини қарз-ҳавола қилиб олган 2 минг АҚШ доллари ва 5 миллионга яқин ўзбек сўми бор эди.

»6

Bolalar uchun ko'rsatuv olish qiyinmi?




GUL SHOXIDAN GULLAR O'SIB CHIQQQANI KAVI...

Tонгги ибодату дулардан кейин дилни равшан қиласиган хотиралар, воқеа-ҳодисаларни эслашни ният қилдим. Компьютер ёнидаги ёзув-чизувли қоғозлар беихтиёр шоира Зулфия опанинг бир гапларини ёдга солди:

– Нашриётда ишлардим, Миртемир домланинг янги тайёрланаётган китобларига муҳаррирлик қилаётгандим, – деб гапириб бергандилар. – До-мла кўлёзма китобларини уйда кўриб келдилар-да, менга: “Зулфия, яхши таҳрир қилибсиз. Лекин достонимнинг бир жойига жуда чиройли фикр кўшибсиз. Мен буни шундок ўзимники қилиб ололмайман. Уни ўзингизга олиб кўйинг, асарларингизда ишлатарсиз”, дедилар. Бу эътиборларининг ўзи менга етарли мукофот эди. Агар маъқул бўлса, қабул қилишларини ва бундан жуда хурсанд бўлишимни айтдим...

Шугина воқеада бу икки катта ижодкор ҳаётда ўзгаларнинг ҳақини сунистеъмол қиласликка, ўзаро розиликка интилиб яшаганлари, ишлаганларига бир мисол кўргандек бўлдим. Ўшанда сўзлари якунида Зулфия опа айтган мана бу маслаҳат ҳам сира ёдимдан чиқмайди: “Сизлар муҳарририятда, нашриётда муҳаррир бўлиб ишлайсиз-



лар. Бошқа ижодкорларнинг ёзганларини таҳрир қилаётганда, агар дилингизга ўша асадаги қай бир фикрларни яна ҳам тиник, таъсирчан, фойдали қилиши мумкин бўлган сўз, ибора, мулоҳаза келиб қолса, аямай қўшиб қўяверинглар. Шунда сизларга ундан ҳам яхшироқ фикрлар келаверади”.

Бу гап бир бадавлат одамдан бойиш сирларини кимдан ёки нимадан ўрганганини сўрашганда: “Бойиш сирини оқар сувдан ўргандим. Сув оқкан сайн ўрнига янги тоза сувлар келгани каби, бойликни ҳам хайрли ишларга сарфлаганинг сайн ўрнига янгиси келаверади”, деганини эслатди.



Бир бадавлат одамдан бойиш сирларини кимдан ёки нимадан ўрганганини сўрашганда: “Бойиш сирини оқар сувдан ўргандим. Сув оқкан сайн ўрнига янги тоза сувлар келгани каби, бойликни ҳам хайрли ишларга сарфлаганинг сайн ўрнига янгиси келаверади”, деганини эслатди.

тоза сувлар келгани каби, бойликни ҳам хайрли ишларга сарфлаганинг сайн ўрнига янгиси келаверади”, деганини эслатди. Машааллоҳ.. Ахир бу ҳикматнинг ибратлари ҳар лаҳза ва ҳамма жойларда ҳозир эмасми?! Ён-атрофингдагиларни ширин муомала билан шод этганинг сари дилинг, тилинг чиройли сўзларга боғланиб боради; бемор ҳолидан хабар олиб, унинг кўнглини кўтариб чиқаркан, ўзинг ҳам хурсанд бўласан ва бу толе яна, яна насиб қилишини истайсан; уй-

жой, ҳовлинг, кўчангни ободу саришта қилганинг сайн озодалик, файзу фаровонлик кундалик одатингга айланниб қолади; эҳтиёжмандга муруватингдан ҳалим бўлган қалбинг бу саодатни кўмсайверади; қўлингдан келадиган ҳунар ёки ўрганган билимингни толиби ҳунару толиби илмга ўргатганингда келадиган мамнунлик, шукrona борлиғингга янги қувват, рағбатлар бағишлийди... Аллоҳ бундай яхшиликлар келтирувчи фазилатларни фақат ўзингагина эмас, сен орқали бошқаларни ҳам баҳраманд этиш учун бергандир, балки! “Балқи”нинг ҳожати бормикин? Ахир, улуғ мутафаккирлар, уламолар, олимлар, муаррихлар бутун умрини бағишилаб, роҳатидан кечиб, дарёю чўллар ошиб, йўқчилигу қийинчиликларга холисанлилаҳ рози бўлиб яратган, инсониятнинг онги ва ҳаётини ёритгувчи асарлари, кашфиётлари, китобларини ҳеч нарса таъма қилмай, дуодан бошқа нарсадан умидвор бўлмай, Парвардигори олам уларга насиб этган имкониятларига шукроналари сифатида ҳалққа тақдим этганларку! Бу борада ота-онанинг фарзандига хизматлари ҳам мислсиз ибрат.

Гул шохидан гуллар ўсиб чиққани каби бир яхшиликдан яхшиликлар бўстони, бир эзгулиқдан эзгуликлар чамани ҳосил бўлса, қандай яхши! Муҳими, шундай яшашга ҳаммамизнинг озми-кўпми имкониятларимиз бор.

Муҳтарама УЛУГОВА.

TEATRLAR ESKIR(MAY)DI(MI)...



Ўтган йили университетлардаги талabalар театр студиялари ўртасида саҳна асарлари танлови ўтказилди. Қадрдоним Фахриддин ака Зикриевнинг таклифи билан театр жамоасига қабул қилиндим. “Ниқоб остидаги ҳақиқат” асарини намойиш қилдик. Телефонларнинг ёшлар онгига ёмон таъсир ўтказаётганинги ҳақидаги спектаклда телефон кўринишида гавдаландик. Мафтуна Абдукаримова, Азиза Акбаралиева, Азиза Мансурова, Асадбек Қобилов, Анвар Худойбердиев каби тенгдош ака-опаларим билан бир саҳнада университетимиз шаънини ҳимоя қилдик. Ўшанда режиссёrimиз Озода опа биз учун анча жон куйдирдилар. Мураккаб ва ҳалол меҳнатлари учун “Энг яхши режиссёр” номинациясида ғолиб бўлдилар. Ана ўшанда саҳна ижодкорларининг меҳнатлари нақадар оғир эканлигига ўзим иштирок этиб, гувоҳ бўлганман.

Биласизми, қадрли газетхон, театрларда ижодкорлар иккинчи ҳаётларини яшар экан. Ҳаётда йиғлаб, театрда кулиш ёки ҳаётда кулиб, театрда йиғлаш, асаддаги қаҳрамонларни чин дилдан ижро этиш учун ҳақиқий санъатсевар бўлиш керак. Сирдарёлик санъатсевар-

Болаларни ватан-парварлик руҳида тарбиялаш, уларда ўзига бўлган ишонч ҳиссини ўйготиш мақсадида Давлат мактабгача таълим ташкилотларида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 577-Давлат мактабгача таълим ташкилотида бўлиб ўтди. Унда болаларнинг санъат, нутқ, математика ва конструкиялаш қобилияtlари синовдан ўтказилди.

– Болаларнинг ҳеч бири иқтидорсиз бўлмайди, – дейди тайёрлов гурухи тарбиячиси Матлуба Комилова. – Фақат бу иқтидорни ривожлантириш, ўстириш учун ота-оналар ва тарбиячилар доимий равишда бола билан ишлаши, уларга ўз билимларини ўргатишлари зарур. Биз машгулларимиз давомида кўпроқ кўл меҳнатидан фойдаланамиз. Куни кеча 14январь Ватан-ҳимоячилари кунига болажонлар бобоси, дадаси, ака-укаларига атаб ўз кўллари билан совғалар ясашди. Уларнинг айримлари



IQTIDORSIZ BOLA BO'LMAYDI

ватанимиз байробини – баъзилар эса чегарамизда турган аскарлар макетини ҳам ясашди.

Албатта байрамона тарзда ўтадиган очик машгуллар, тадбирлар болажонларни энг аввало бир-бирларига оқибатли, дўстона муносабатда бўлишларига замин ҳозирлайди. Тарбиячиларнинг изланувчанлиги эса болаларни таълим масканига янада меҳрли бўлиш, эрталаб боғча опасини соғиниб келишга ундейди.

Ўз мухбиришимиз.



**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Гулистон давлатуниверситети талабаси.**

"MADAD" – HAR BIR MAHALLA VA XONADONGA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Адлия вазирлиги томонидан «Advice.uz»

(e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали ишга туширилиб, "Мадад" – муассасаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюролари фаолияти йўлга қўйилганига бир йилдан ошди. Бу ерда белугул юридик ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилиб, аҳолига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар тўғридан-тўғри ва онлайн тарзида берила бошланди.

Хозирда Адлия вазирлиги ташаббуси билан хориж тажрибаси асосида ташкил этилган "Мадад" ташкилотининг 60 та ҳуқуқий маслаҳат бюроси республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида фаолиятини олиб бормоқда. Малакали ҳуқуқшунослар фуқароларга бирламчи маслаҳат ва тушунтиришлар бериш билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишида ошириб боришга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оши-

ришда ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Муассасаса ўзининг бир йиллик фолияти давомида республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг беминнат ҳуқуқий маслаҳатчисига айланди.

Марказий офисга кириб келган Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нуръя Бердиниязованинг самимиyлиги, камтарлиги мижозларга маъқул келмоқда. Нукусда фуқароларнинг мурожаатлariга жавоб бериш, тўғри йўл кўрсатишида Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари, Фуқаролик ишлари, Маъмурий ва Иқтисодий судлари раислари, Маҳалла ва оиласи кўллаб кувватлаш вазiri, Адлия вазiri раҳбарлигида сайёр қабулларга ҳам чиқишлоқда.

Маҳалла ва овларга бориб, халқ ичida юриш, уларнинг қувонч ва ташвишларини ўрганиш, билим ва тажрибадан келиб чиқиб аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бош мақсадга айланган. Мўйноқда ҳам ҳар бир фуқарога берилган маслаҳат туфайли муаммолар ечимiga йўл топилмоқда. – Одамларга яхшилик қилиш қанчалик мароқли эканлигини бутун вужудим билан хис қилдим, – дейди Нуръя Бердиниязова.

– Мўйноқдаги ҳар бир оила мен учун азиз инсонларга айланди.

Одамларга керак бўлиб яшаш барibir бошқача экан. Улар менинг қизларидай яхши кўриб, ҳаттоқи янги туғилган фарзандларига яхши ният илиа исимимни қўя бошлашди. Мен уларга ҳуқуқий масалаларда йўл-йўриқ кўрсатиш билан бир қаторда, керакли ҳужжатларнинг намуналарини ҳам кўрсатиб, муаммолари ечимини топиш учун қайси ташкилотга бориши кераклигини ҳам тушунтириб бордим.

Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими билан биргалиқда туманда истиқомат қилувчи аёллар билан мансилли учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкиллаштириб, уларга гендер тенглиги бўйича, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиласидаги ўрни тўғрисида, шунингдек, тазиён ва зўравонликдан азият чеккан аёлларнинг давлатимиз томонидан химояда бўлиши ва уларга яратилган кенг имтиёзлар борасида тушунтириш ишларини олиб бордик.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мўйноқ тумани ҳалқ қабулхонаси, туман ҳокимлиги, прокуратура, туман адлия бўлими, маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда




сайёр қабуллар, аҳолига беминнат ҳуқуқий ёрдам кўрсатдик.

Туман ҳокимлиги камтарона фолиятимни юксак баҳолаб, Мўйноқ тумани аҳолисининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда, ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиша хизматларимни алоҳида таъкидлашди, Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими Мўйноқ тумани маҳалла ва овлар фуқаролар йиғинлари раислари ва аҳоли орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини теран етказиш ишларини, шунингдек ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш ишларини олиб борганини эътироф этиб, ташаккурнома билан тақдирлади.

Анора НАРЗИҚУЛОВА,
"Мадад" нодавлат нотижорат
муассасаси
умумий бўлим кадрлар бўйича
мутахассиси.

*"Boshlash uchun
erta ham, kech
ham emas"*



Менинг ёшим 17 да. 12 ёшимда Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" асарини ўқиётганимда сен бу асарни ўқиш учун ҳали ёшлиқ қиласан, деб китобни қўлимдан тортиб олишгани кечагидек эсимда. Эсимда... Туман марказида бўлиб ўтадиган шеърият танловида қатнашишим учун бор йўғи уч ойгина ёшим кичик бўлганлиги учун қайтариб юборгани-ю ва мен соатлаб марказ эшиги олдида ўтарганим...

Биласизми, болалигимда ҳаттоқи бирон бир воқеликка ўзимнинг эркин фикрларимни билдиришга ҳам кўрқар эдим. Сабаби "Ёши катта" инсонларнинг танбеҳлари ва "Овоздингни учриб ўтири", деган сўзлари нафақат мени, мен каби "Кичик одам" ларнинг юраги билан бирга эркин фикрларини ҳам ўғирлаб олганди. Чуқур ўлаб кўриб бир

хulosaga келдим: жим турган билан иш битмас экан. Отанам "Сени сўзлашингга йўл беришмаяптими демак амалда кўрсатмоғинг керак", деган сўзлари менинг шиоримга айланган эди.

"Бошлаш учун ERTA ҲАМ, КЕЧ ҲАМ" бу сўзларимни исботлаш учун бир-икки мисоллар келтироқчиман. Жумладан, буюк шоҳ ва шоир

Захириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида (демак менинг кўлимдан "Икки эшик ораси" асарини тортиб олишган ёшда) таҳтга ўтириб, бутун бир давлатни бошқара бошлайди. 12 ёшли болакай фозил-у уламолар устозлигига ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини мукаммал ўргана бошлайди ва тарихий ҳамда адабий асарларни мутолаа қилиб, довюраклиги сабаб "Бобур" ("Шеър") лақабини олади. Тасаввур қилиб кўринг: кичик бир асарни ўқиш қаёқдаю катта бир давлатни бошқариш қаёқда.

Академик Лео Ланду 14 ёшида Боку университетига ўқишига қабул қилинади. 19 ёшида эса тўртта илмий китоб чоп эттиради. Физика фанини ҳаётнинг бир қисмига айлан-

тирган ёш олим орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дунё назаридаги физиклар ўнталигига киради.

Александр Грибоедов – ёзуви ва бастакор. У ёшлигига Италиан, Немис, Француз ва Инглиз тилларини мукаммал билган. 11 ёшида Москвадаги интернатга ўқишига кирган ва 6 йил ичida учта факультетни битирган.

Агарда бу маълумотлар ҳам кам бўлса муваффақиятга эришишни ҳоҳлади. Ҳоҳишилар мақсадга, мақсадлар ҳаракатга, ҳаракатлар эса натижага айланishi учун атрофдаги инсонларнинг кўмаги жуда муҳим... Лекин баъзида биз ўзимиз бирон ишни бошлашдан олдин ёшим кичик эмасмикан? Менда тажриба камлик қилмасмикан деган ўринисиз саволлар билан бош қотириб, орта қайтмас вақтимизни қандай ўтиб кетганини билмай қоламиз. Аммо бизга камлик қилаётган тажриба қаҷонки ўша ишга қўл урсаккина пайдо бўлади.

Яна жаҳон майдонига назар ташлаймиз. Хозирда дунёдаги энг ёши улуғ раҳбар аёл номига сазовор бўлган Қиролича Елизавета || 95 ёшида ҳам қарилликни бўйнига олмай ўз давлатини бошқаришда давом этмоқда.

"Ёрдам берсанг бер, аммо халақит берма" бу менинг шиорлар коллекциямдаги энг муҳимларидан биридир. Чунки бир кун келиб кимдир менга "Сен тўсқинлик қилмаганингда мен ҳозир буюк инсон бўлар эдим", дейишидан жуда ҳам кўрқаман. Шундай экан "БОШЛАШ УЧУН ЭРТА ҲАМ, КЕЧ ҲАМ" эмаслигини англашган инсон ҳар доим голиб бўлади!!!

Равшанбек РАИСОВ,
Наманган вилояти.

Маҳалламизга Америка-дан келин бўлиб тушган қиз ҳаммада қизиқиш ўйғотди. Бўйи узун, ранги оқ сариқдан келган, бурни ҳам узунчоқ иягига мос тушадиган Лили хонимни ҳамма Лайлохон деб чақира бошлади. Барча ўзбек келинлари қатори урф-одатларимизни жой-жойига қўйди бояқиш.

Мабодо кўча-кўйда унга кўзингиз тушиб қолса икки кўлини кўксига қўйиб: “Ассалому-алайкум”, дейди дона-дона қилиб. Махалламизнинг “сомалейкум” дейдиган қизлари шу келиндан ўрнак олиб, туппа-тузук салом берадиган бўлишиди. Лайлохоним бирин-кетин иккита ўғилли бўлди. Болаларига ҳам рус, инглиз, ўзбек тилларида гаплашишини ўргатди. Лайлохонимнинг турмуши ўртофина ишлари юришгандан юришиб, кўша-кўша дўконлар очди. Данги лама ҳовли қурди. Аммо хонимни кўрган одам хайрон қолади. Сабаби у ҳамма аёллар қатори одми, кўзга ташланмайдиган кийимлар кияди. Ўзбек ҳалқига бўлган муҳаббатини оиласи тимсолида намоён этди. Махалланинг болаларига инглизни тилидан бепул сабоқлар бера бошлади. Хонимнинг саҳиyllигини кўриб тарбия берган ота-онасига раҳмат деб юборади одам. Кўни-кўшнилардан кўлидан келган ёрдамини аямайди. Кимдир қизини контракт пулини тўлопмай қарз сўраб чиқади. Яна кимдир тўй харажатлари учун озгина маблағдан қийналиб қолаётганини айтиб ёрдам сўрайди. Ҳеч кимдан пулини қизғонмайди. Сиз қаердан биласиз, балки оғрингандир дейсизми ахир қарз сўраганлар орасида ўзим ҳам бор эдим-да. Хуллас, бу немис қизнинг айтаверсан фазилатлари жуда кўп. Аммо яқинда жуда хунукиш бўлди. Лайло хонимни эри унга хиёнат қилиб, турмуши бузилган ўзбек аёлига уйланиб олди. Ҳамма хонимга ачинди. Аммо ҳеч ким чурқ этиб ношууда эрга гапирмади, ёқасидан олмади, уялтирумади. Мени ҳар доим жавобсизз

AMERIKOLIK KELIN NECA AJRASHDI?

саволлар қийноққа солаверди. Энди у нима қиласы, ёш бўлса, кўнглини кўтаридаған ота-онаси, яқинларидан узоқда....Наҳотки эркаклар шундай бевафо бўлса, аёлнинг садоқатига жавоб шуми?....Бир қиз ўзбек йигитини деб, океан ошиб, ота-онаси, қариндош-урұллари, нафас олаётган юртидан кечиб келса-ю бу ноинсоф эр унинг мұхаббатини, садоқатини оёқости қилса?.. Лайло хоним хўжайини билан қонуний ажрашиб, ундан бир тийин ҳам талаб килмади. Иккиси фарзанди билан

ўз кунини кўриб юраверди. Ўқув марка зига ишга жойлашиб олиб инглиз тилидан дарс бера бошлади. Ташқаридан қараганда хонимнинг ҳаёти бир текис маромида кечәётгандек. Аммо қалбигиг яқинроқ борсангиз юрагини алам кеми-раётганини ҳис қиласиз. У кулиб туриб йиғлайди, йиғлаб туриб кулади. Илгари кўчамиздан ўтаётганида туфлисинин зарби нақ ерни ёрай дерди. Ҳозирчи секингина қаддини букиб, одамлардан уялиб, худди бу ишларда ўзи айбдор-дек чўчиғибгина қадам босади. Собири

хўжайини янги хотинини машинага ўтқазиб олиб, унинг эшиги ёнидан фирғир ўтади. Кечагина немис келинининг пешонасидан ўпид, унга баҳт тилаган қайноаси бугун ўзбек келини билан апоқ-чапоқ бўлиб яшаяпти. Хиёнаткор ўғлига: "Сени деб ҳамма нарсасидан кечиб келган аёлни ташлаб кетишга ҳаққинг йўқ. Агар унга хиёнат қилсанг менга хиёнат қилган бўласан, оналар дунёнинг у чеккасида туғилсаям, бу чеккасида туғилсаям ҳаммаси бир хил бўлади, болам оилангни асраб қол", демади. Зеро, эркакни оиласга масъулиятли қилиб тарбиялаш ЭНГ аввало ота-оналарнинг вазифасидир. Демак, бу ота-оналар ўз вазифасини уддалай олишмагани учун хам бугун фарзандининг ои-

ласи остин-устун бўлиб кетди. Ушбу оиласнинг муаммоси бошқаларга сабоқ бўлар деган умидламан.

Яқында дув-дув гап тарқалди. Лайло хонимни собиқ эри иккинчи хотинини ҳайдаб юборибди. Маҳалланинг аёллари воқеани бор тафсилоти билан суриштириб олмаса кечалари ухлолмай чиқишиади. Хуллас, хонимнинг кундоши жуда катта “қовун” тушириб қўйган. Яъни шаҳарнинг “кўзга кўринган” фолбининикида ўтирганида қайнопаси дугонаси билан бориб қолган. Ўша ернинг ўзида фолбинни сиқувга олган ва у ҳаммасини айтиб берган. Яъни Лайло хонимни кундоши эрини ундан совутиб, ўзига иситиб юраркан. Бу гапни эшитган айрим иссиқ совуқчи аёллар хушёр тортиб қолишиди. Энди воқеани бўёғини эшитинг, хиёнаткор эр хонимдан узр сўраб, оиласига қайтиш ўрнига яна бошқа аёлга уйланишини ният қилиб юрган экан. Илоҳим бу сафар фолбинга борадигани эмас, фолбинни ўзига уйлансину шу эрекат бошқа аёлларни буюточа китмасин!

BOLALAR UCHUN KO'R SATUV OLISH QIYINMI?



Андрей суҳбат давомида
дам диванга ястаниб ётиб
олар, дам хохолаб кулар,
тинимсиз бошини қашлаганча
саволларга жавоб берарди. На
бошловчи, на режиссёр бола-
ни ноўрин ҳаракатлари учун
тўхтатмади ёки чалғитмади

хақида ҳам кулиб- кулиб айтиб берди. Нелли спортнинг қиличбозлиқ тури билан шуғулланар экан. Бошловчи “Нега қизингизни бу спортга бергансиз?” деган саволга Неллининг онаси: “Қизим ўзига жудаям ишонади”, деган жавобни берди. Галкин кўрсатув давомида саҳнадаги бола ва залдаги ота-оналар ўртасида эркин мулоқот ўрнатди. Томошабин жажжи қаҳрамонларнинг фазилатларидан мирикиб завқ олди. Сабаби болага имкониятларини намойиш этиши учун ҳеч қандай талаб ёки тўсик кўйилмади. Тўрт қатор шеър ёки саволларга бериладиган жавоблар қайта-қайта тақрорланмади. Хуллас кўрсатув давомида болалар саҳнада бошловчи билан ўйнади, куйпали сакралди кулди йиғали, эснали.

қашынди, бурнини тортди, ҳаттоғи жаһғам қилди. Болаларнинг бу одатлари табиий кәбүл кипинди.

Мен эса телевизор пультини “Болажон” каналига уладим. Түгрисини айтсам, “Болажон”да пичоқقا илинадиган кўрсатувларни кўришни ўзи амримаҳол Кун давомида асосан соатлаб хориж мультфильмлари намойиш этилади Баъзида ўзимга-ўзим савол бераман “Болалар учун кўрсатув олиш шунчалар кийинмикан?”

Ва ниҳоят "Боғбон болажон" кўрсатуви бошланди. "Қоравой" тахаллусли бошловчи иштирокидаги мазкур кўрсатувни танқид қилиш фикридан йироқман. Сабаби бошловчи ўз вазини фасини бажаришга астойдил тиришиб имкон қадар иштирокчи болаларни кизиктиришга ҳаракат кипди.

Афсуски, болалар худди босым остида ўтиргандек ўзларини эркин тутишомади. Буни қаердан билдингиз, дейсизми, ёд олган шеърини экранда ўқиб берәётган боланинг кўзларида қувноқлик, образга кириш акс этиш ўрнига ҳадикда турганини ҳис этиш қийин эмас-да. Кўрсатув ижодкорлари томонидан болаларга камера олдида одоб саклашлари, ноўрин ҳаракатлар кипмасликларини тайинлашгани ани

Фикри ожизимча ушбу канал

раҳбарларнинг назаридан четда қолганов. Мазкур каналда тузукроқ бошловчи ёки актёрлар ҳам кўринмайди. Шу боис уззукун хориж (гапим ёлғон бўлмасин баъзида миллый мультфильмлар ҳам қўйиб турилади, аммо улар жуда оз) мультфильмлари намойиш этилади. Ахир болаларни фақат инглиз тилини ўргатиб ёки мультфильм томоша қилдириб кучли, ўз фикрига эга қилиб тарбиялаб бўлармикан?

Бизда яна бир мулоҳаза. Болалар учун кўрсатув фақатгина болалар учун ихтиослашган каналда бўлиши шарт эмас. Болалар учун мўлжалланган кўрсатувларни нафақат болалар балки катталар ҳам кўриши керак. Шунда ота-она ва фарзанд ўртасида яқинлик уйғонади. Ҳозирги эксандрит мультфильм

үйногади. Жөзүрги аксария мультифильмлар ёш жиҳатдан катталарга мослашиб қолаётгани фильмларимиз ("Тилим курсин", "Кудамни күрмадингизми?") эса савиясьизлиги борасида күпроқ эртакка үхшаётганини ижодкорлардан инобатга олишпарни сыйраб көпәрдик.

атлас хөриж
три намойиш
ида ўзимга
раман: “Бо-
күрсатув
нчалар
кан?”
ларини суроң қолардик.
Телерадиокомпания
рахбарлари күпроқ эъти-
борларини “Болажон” канала-
лига қаратышса, тажрибали
бошловчиларни жалб қилишса
ушбу каналда ҳам болажонларга
мотивация берадиган, ватанпарвар
лик хиссини уйғотадиган күрсатувлар
ийесперсизлиги?

Муаллиф Нигора РАХМОНОВА

ERTALAB XUSH KOUFIYAT LOZIM

131- автобус доимгидек талабалар билан гавжум. Кимдир кўлидаги телефонида ўйин ўйнаса, яна кимдир телефонга қараб нималарнидир ўқияти, кимдир дафтари очиб олиб сўз ёдлаш ҳаракатида бўлса, яна кимдир ёнидаги дугонаси билан қизиқ ҳангомага берилган. Орқа ўриндиқнинг бурчагида қисинибгина йиғлаб ўтирган қиз эътиборимни тортди. Қизик, эрталабдан унинг кўз ёш тўкишига арзирли сабаб борми кан? Кунни йиги билан бошланган талабага ўқиш ёки дарслар кор қиласдими? Бир қарашда унинг гўзаллиги одамни ўзига ром қиласди. Унинг чиройли аммо, ғамдан ёш тўкаётган кўзлари дилимни хира қилди, унга раҳмим келди. Тўғри, ҳамманинг ҳам ўз ҳаёти, ташвиши бор...

Эрталаб бузилган кайфият бошқаларга ҳам юқар экан. Ҳа, мен ҳам у қизнинг кўз ёшлари таъсирида хомуш тордим. Бегона бўлса ҳам унинг ёмон кайфияти менга ҳам юқандек бўлди гўё. Жуда хунук ҳолат, шундай эмасми? Кимдир эрталабдан кимнингдир кайфиятини бузилишига сабаб бўлса-ю, ўша кайфияти бузилган инсон бошқаларга ҳам буни касалликдек ютириш. Ахир, тонгки кайфият кун бўйи ҳамроҳимиз бўлиши, ишларимиз ҳам кайфиятимиз сабабли юришмай қолиши мумкин-ку. Шундай экан нима учун яқинларимизни, атрофимиздагиларни кайфияти бузилишига сабаб бўлишимиз керак?

ИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Масалан, сиз бугун “чап ёнингиз билан турдингиз” ва энди бутун кунни мана шу тескари кайфиятда ўтказишга қарор қилдингизми? Бундай қарор қилишга шошилмаганингиз маъқул, чунки сиз ёлғиз эмассиз. Яхши кайфият, албатта, кун давомидаги маҳсулдорликка таъсир қиласди.

Эҳтимол, сиз эрталабки автобусни ўтказиб юборгансиз, ёки тўполовончи болалар хархасаси қийнаб қўйган ва шунга ўхшаш бир қанча сабабларингиз бор, аммо муҳими сабабнинг борлиги эмас. Муҳими, ёмон кайфият атрофадигиларга юқиш билан бирга бажарадиган ишининг сифатини ҳам пасайтиради.

Бундай бўлишини қаёқдан биласан дейсизми? Машхур тадқиқотчилар, Пенсильвания университети Уортон мактабидан Ненси Роузбанд ва Огаё университети Фишер бизнес мактабидан Стефани Уилк уч ҳафта давомида суғурта компаниясида мижозларга хизмат кўрсататётган ходимлар кайфиятини ва иш унумдорлигини ўрганишган.

Тадқиқот давомида ходимларнинг кайфиятни аниқлаш учун қисқа анкеталардан фойдаланилган: биринчиси эрталаб, кейингилари эса кун давомида тўлдирилган. Шунингдек, мижозлар билан ишлаган ходимларнинг кайфияти текширилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиги, ходимларнинг эрталабки кайфияти кун давомида уларга ҳамроҳ бўлган. Яъни, эрталаб тушкун кайфиятда ўйғонган ишчи, кун бўйи ғамгин ва умидсиз бўлиб юрган. Шу билан бирга иш натижалари жуда паст кўрсатични кўрсатган.

Кунни яхши ва хуш кайфиятда бошлаган ходимлар эса мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатишни таклиф қилишган.


Аниқроғи, ўз нутқларида “уф” ёки “эҳ” каби сўзларни камроқ ишлатиши. Башқача қилиб айтганда, ушбу ишчилар компанияга кўпроқ фойда келтира бошлади. Салбий кайфият ходимлари деярли яхши ишлаш мади.



Кунни яхши ва хуш кайфиятда бошлаган ходимлар эса мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатишни таклиф қилишган.

Аниқроғи, ўз нутқларида “уф” ёки “эҳ” каби сўзларни камроқ ишлатиши.

Башқача қилиб айтганда, ушбу ишчилар компанияга кўпроқ фойда келтира бошлади. Салбий кайфият ходимлари деярли яхши ишлаш мади.



нутқларида “уф” ёки “эҳ” каби сўзларни камроқ ишлатиши. Башқача қилиб айтганда, ушбу ишчилар компанияга кўпроқ фойда келтира бошлади. Салбий кайфият

ходимлари деярли яхши ишлаш мади. Улар мамнун ҳамкасларига қараганда камроқ қўнгироқларга жавоб беришди ва кўпроқ танаффус қилишди. Улар кайфияти чоғ ходимларга нисбатан 10 фоиз кам самарадорликка эришишди.

Тадқиқот иштирокчила-рининг аксарияти эрталабдан олдиндан белгиланган кайфиятда бўлганлиги сабабли ҳосилдорликни сақлаб қолиши. Шунинг учун ҳам эрта тонгдан яхши кайфиятда бўлишимиз керак экан.

ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

Эрталабки яхши кайфият асосан ўзимизга боғлиқ. Қуйидаги ҳолатлар бизни эрталабки яхши кайфият билан таъминлай олиши мумкин:

Кечки пайт эрталаб яхши кайфиятда ўйғониш тўғрисида ўйланг. Ухлашдан олдин севимли қўшиғингизни ёшитинг, ёқтирган китобин-

гизни мутолаа қилинг, яқинларингиз билан бўлган қизиқарли воқеаларни ёдга олинг. Кўпроқ табассум қилишга ҳаракат қилинг.

Кўпчилик одамлар эрталаб ухлашни яхши кўрганлиги сабабли ҳам будилникни 5- 10 дақиқа кечроққа қўйишиади. Вақтидан кечроқ туриш эса шошилиш, кечикиш ва муҳим нарсаларни унтиб қўйишига олиб келади. Ва оқибатда кайфият ўз-ўзидан бузилади. Бу ёмон одатдан қутилишнинг осон йўли – ялқовлик қилмасдан ўз вақтида туриш.

Барчамизга маълум, эрталабки нонушта организмнинг ўғонишига ва метаболизмни ҳаракатга келтиришга ёрдам беради. Эрталаб нонушта тайёрлашни ёқтирумсангиз, кечқурун тайёрлаб қўйинг ёки кўп вақт талаб қилмайдиган овқатлар тайёрланг. Муҳими нонушта қилишдан воч кечманг!

Ҳар куни эртанги кунингиз резасини тузишига ҳаракат қилинг. Кунлик режа тузиб юрсангиз, фикрингизни тўплайсиз ва ўзингизни ишончли сезасиз. Режа асосида ишларингизни бемалол ва иккиланмасдан амалга ошира бошлайсиз.

Эрталабдан дунё янгиликларини кўришдан воз кечинг, фақат ўзингиз ва ташки кўринишингиз билан шуғулланишига ҳаракат қилинг.

Оила аъзоларингизга яхши муоммала бўлиб уларнинг ҳам кайфиятларини кўтариша ҳаракат қилинг.


Ҳар кунимиз ғанимат, ҳар битта тонгимиз қадрли, шундай экан фақат ва фақат баҳт излаб яшайлик, ўша ахтариб топган баҳтимиз билан атрофадагиларни ҳам баҳраманд қилайлик. Зоро, кимгадир улашган биргина табассумингиз унинг кайфиятни кўтариши, кунни яхши ўтказишга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан келинг, бир-биримизга хуш кайфият улашишдан чарчамайлик, бу ишни аввало ўзимиздан бошлаганимиз маъқул.

**Васила ҲАБИБУЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.**

ОТА О'Г'ИЛ USTOZLAR

Ҳаётимизнинг муаллифлари бўлган устозларимиздан бугун 71 ёшли Шеробод тумани Кампиртепа қишлоғида туғилган Абдумажид Маматалиевдир. Абдумажид устоз шу ёшга кирибдик, ҳали ҳануз инсонни ҳайратга солгудек илм-маърифатга ошно диллардан. Бу киши умрини илмга, илм ўргатишига бағишламоқда. Икки ўғил, тўрт қиз ва 14 набирага бош бўлиб келаётган бу инсоннинг уйига борсангиз ақпингиз шошади. Абдумажид устознинг уйи этагидаги боғ бир хушнуд қиласа, уйи ичкарисидаги мўъжаз кутубхона хаёлингизни бошқа дунёга олиб киради. Уй кутубхонасида она тилимизга доир китоблардан тортиб, грамматик, бадиий, эстетик турдаги, борингки арабча, форсча, русча ва яна турли тилдаги сара китобларни топасиз.

Бу инсоннинг аёли ва фарзандла-oilavajamiyat@mail.ru



ри, қолаверса набиралари ҳам филолог мутахассис сифатида фаолият юритишиади. Устоз биргина мактабда ўқитувчилик қилиш баробарида, аввалига оз сонли ўқувиларга асосан қишлоқ ахлига она тили ва адабиётидан қўшимча дарслар ўтга бошлаган. Аввал Шеробод туманинг 9- мактабида , сўнг 10- мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган бу инсоннинг ниятлари шунчалик каттаки, жамиятга фойдаси тегадиган ёшларни етказишда жонбозликни қўлдан берганлари йўқ.

“Илм пулга сотилмайди, шогирдларим кун келиб ишончимни оқлашса етади менга», - дегувчи бу устоз

мехри шунчалар дарёки, уйига илм истаб келган бирорта ёшни кўксидан итармайди. Устознинг шогирдлари республика жабхасида фаолият юритишишоқда. Шогирдларининг кўплигидан шошган Абдумажид устозимиз бугун катта ўғли филолог Алишер Маматалиев билан елка Сурхондарё ёшларини илм маърифатли қилишшига шаҳд билан ҳаракатдалар.

Ота ўғил устозлар тайёрлаётган ёшлардан йилига 50 -60 таси талаба бўлиши меҳнатларининг зое кетманинглигининг нишонасидир. Илм маҳзанинг калилларини кўлида маҳкам тутган бу устозларнинг фарзандлари ҳам инглиз тили мутахассислигига ёш кадрлар қаторида ишлаб, ўқиб келмоқдалар. Бу икки инсоннинг халқ учун қилаётган хизматлари асрларга татигулик.

**Асолат УЗОҚОВА,
Сурхондарё вилояти юридик техники 2-босқич талабаси.**

Xiyonatning yuki og'ir

.....Сўнгги йилларда турмуш ўртоғим соғлигини тиклаш, касалликнинг ривожланиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида ҳар иили икки марта Тошкент шаҳридаги клиникаларнинг бирида 10 кун мобайнида даволаниб қайтади. Ўша сафар ҳам шундай бўлди. Шифохонадан даволаниб чиққач, уни ўғлим Умиджон (ўшандада ўғлим Тошкентда ишларди) Қўйлиқдан таксига солиб кузатиб қўйди. Машинада турмуш ўртоғимга Олтиариқнинг Ҳамза шаҳарчасидан она бола ҳамроҳ бўлишган, тўртинчи ҳамроҳ эса хайдовчининг жияни бўлган. Машина Ҳамза шаҳарчасига кечқурун қоронғу тушганда кириб келган, ҳайдовчи йигит она-болани уйларига элтиб қўйгач турмуш ўртоғимни уйимизга олиб келган. Ҳовлимиз олдида машинасини тўхтатиб турмуш ўртоғимни узатган кира ҳақини санаб турганда унинг жияни машинанинг орқа ойнаги остида турган аёллар сумкачасини кўриб қолиб турмуш ўртоғимга сўз қотган:

– Опа, сумкангизни унубисиз чофи, олволинг.

– Йўқ болам, бу менинг сумкам эмас, мен эътибор бермабман, ҳалиги йўлда тушиб қолган опаларники эмас-микин ишқилиб?

– Ким билсин, лекин бизники ҳам эмас, – жавоб бериби йигитча.

Пулни санаб бўлиб чўнтақка урган ҳайдовчининг аччик аралаш жиянига айтган гаплари турмуш ўртоғимнинг кулоғида қолган:

– Нима ишинг бор, кимникилиги билан. Опа менини эмас дейишяптику, кўйиб кўй сумкани жойига.

Эртаси куни саҳарда дарвоза кўнғироги жириングлади. Мен қўй-қўзиларга ем бериш билан банд эдим.

– Ҳозир, – жавоб бердим мен, – қўлимни ювиб олай, бироз сабр қилиб турасизлар.

Уларни кўп куттирмай дарвоза эшигини очдим, машинадан бир эр-как ва икки аёл тушиб, мени кутиб туришган экан. Очиги мен уларни танимадим. Уларнинг нимадандир безовта эканлиги юзларидан шундай кўриниб турарди. Саломига алик олгач, муддаога ўтдим:

– Хуш келибсизлар, қани уйга кирайлик, бизга нима хизмат бор?

– Кечирасиз, сизнинг исмингизни ҳам билмаймиз, – сўз бошлади кутилмаганда меҳмон, – фақат сизнинг политехника институтида ишлашингизни биламиз холос. Бу аёллар менинг турмуш ўртоғим ва қизим бўладилар. Кеча улар Тошкентдан кира қилиб уйга қайтишган эди. Айтишларича, сизнинг турмуш ўртоғингиз уларга ҳамроҳ бўлган экан. Йўлдаги ўзаро сухбатда



у киши Ўрташўрада яшашларини ва сизнинг Фарғона политехника институтида узок йиллардан бўён ўқитувчи бўлиб ишлаётганингизни, ўзларининг эса нафақада эканликларини айтишган экан. Ўз исмларини ё айтишмаган, ёки булар эсдан чиқаришган. Гапнинг индalloсига келсан, бу она-бала анқовлар машинада сумкаларини қолдишган.

Мен эркакнинг кинояли сўзларидан ва аёлларнинг безовталигидан сумкада катта миқдорда пул ёки тилла тақинчоқлар қолдирилганлигини тахмин қилдим.

– Юринглар, уйга кирайлик. Суҳбатимиз узок бўладиганга ўхшайди, турмуш ўртоғимни ҳам чақиришимга тўғри келади шекилли.

Улар ортиқча мулозамат кутмай кетма-кет ховлимизга киришди, ҳовлидаги сўрига таклиф қилдим ва турмуш ўртоғимни чақирдим:

– Аёллар кўришиб бўлгач ҳаммалари сўридаги хонтахта атрофидан жой олишди, мен суюнчили стулга ўтирдим ва гап бошладим:

– Булар Тошкентдан сизга ҳамроҳ бўлиб келган она-болалар экан. Кеча сиз айтган сумка шуларни кўлиб, қизларининг айби билан машинада унубисиз қолдиришган экан. Сиздан мабодо ҳайдовчини таниш-танимаслигини ёки машинанинг давлат

рақамига эътибор берган-бермаганлигини сўраб келишибди, нима дейсиз.

Хеч иккilanmай у ҳайдовчини танимаслигини, ҳатто машинанинг марказига ҳам эътибор бермаганлигини айтиб, кеча кечқурун ховлимиз олдида сумка билан боғлиқ рўй берган воқеани оқизмай-томизмай уларга сўзлаб берди.

– Сўраганнинг айби йўқ, сумкангизда нима бор эди? – сўради турмуш ўртоғим.

– Сумкада ўзимни операция қилдириш ва дори-дармонлар сарфи учун икки йил йигиб, камини қарз-ҳавола қилиб олган 2 минг АҚШ доллари ва 5 миллионга яқин ўзбек сўми бор эди. Тошкентда ишимиз битмай, маълум сабабларга кўра операция кейинга қолдирилгач, ўша куниёқ ортга қайтган эдик. Акан-гиздан эшитаримизни эшитдик, кечаси билан уйқумиз келмади. Ярим кечада сизларни безовта қилишга тортиндик, қолаверса уйингизни ҳам, исмингизни ҳам билмас эдик.

Яхши, – Ўрташўрада яшашингизни, турмуш ўртоғингизнинг политехда ишлашларини айтган экансиз. Мана, сизлардан нажот истаб қуёш чиқмай этиб келдик.

– Бўлар иш бўлибди, ортиқча сиқилманглар, сумкангиз топилади. Бунинг йўли бор, – дедим ва Тош-

кентга ўғлимга кўнғироқ қилиб кеча аясини солиб юборган таксининг давлат рақамини билиш билмаслигини сўрадим. Ўғлим шошиб тургани учун машина рақамига эътибор бермаганини айтди.

Сизларга маслаҳатим шу: Қўйлиқдаги питакдан кеча соат 15-00дан 15-30гача оралиқда йўлга чиқсан Фарғона номеридаги машиналарнинг рўйхатини олиш керак, воқеани тушунтирангиз паттачилар ёрдам беради деб ўйлайман, чунки у ерда кузатув камераси бўлса керак, дея маслаҳат бердим. Кейин шу рўйхат билан йўлов ва Фарғона шаҳридаги “Тошкент питак”даги киракаш, паттафурушлардан машиналарни аниқлаш мумкин бўлади, ҳайдовчини эса сизлар танийизлар. Бунинг бирдан бир йўли шу. Опангизнинг гапига қараганда ҳайдовчи ўзини ёзёвонликман деб танишистирган.

Бу маслаҳатимдан сўнг меҳмонларнинг юзларига бироз қон юргургандек бўлди. Ҳудди йўқотган нарсаларини топгандек, менга чукур миннатдорчилик билдириб, ўринларидан туриши.

Меҳмонларни кузатгач чол-кампир нонуштага ўтиридик ва суҳбатимизни дастурхон устида давом эттиридик.

– Ҳайдовчи жуда маҳмадона йигит экан, йўлдаёқ ёқтиримаган эдим, – деди аёлим. – Нуқул ўзини ва хотинини мақтайди. Беш вақт намоз ўқишлиари-ю, жума куни мачитга қатнаши, бир кунда Тошкента икки марта бориб келиши, оилани яхши тебратяётганилиги, айrim эркакларнинг кўлидан хеч бир иш келмаслиги тўрисида гапириб энсамизни қотирди. Беш вақт намоз ўқидиган одам ҳам шу ишни қиласими?

– Гапингиз тўғри, лекин ҳали бўлиб ўтган воқеага бир кун ҳам бўлгани йўқку, балки кеча йўлдан толиқкан бўлса, бугун омонатни эгасига қайтарар. Гапига қараганда художўй йигит экан, бандасидан кўркмаса, худодан кўркса керак! Яхши ҳам бечораларнинг кўл телефони рақамларини сўраб олиб қолдим, хабарлашиб турасиз. Худо хоҳласа яхши хабарлар келиб қолади.

Шу воқеадан сўнг биз бир ҳафта давомида улар билан хабарлашиб турдик, лекин яхши хабардан дарак бўлмади. Улар бизнинг маслаҳатимиз бўйича ҳаракат қилишибди, йўлов питағидагилар елка қисишибди. Балки у ноинсоф излар босилгунча ишга чиқмадимикин. Буниси бизга номаълум. Кейин нима бўлди билмаймиз. Телефонимизни йўқотиб қўйдик, ёки ўғри урдими худо билади. Янги олган телефонимизда эса олдинги рақамлар йўқ...

Қиссадан ҳисса: Наҳотки, орамизда мана шундай ўзини “художўй”, “намозхон” деб атайдиган нобакорлар бўлсуда?! Эътиқодли инсон икки дунёда ҳам бу ишни қилмайди, мен бунга аминман. Бундай кишиларни иккюзламачи деб ҳисобласак тўғри бўлади. Киракашларга эса маслаҳатим: Сизлар эл ҳожатини чиқариб келаётган яхши бир касб эгаси бўлиб қолдиларинг. Мижозларни ҳурмат қилиш керак, бу бозор иқтисодиётининг қонуни. Улар бор экан сиз борсиз, улар бор экан сиз рўзгор тебратаяпсиз. Уларнинг ҳақига ва омонатига хиёнат қилманг. Хиёнатнинг эса юки ва жавоби оғир бўлади!

Мухторали ТУРДИАЛИЕВ,
Фар ПИ АРМ директори.

oilavajamiat@mail.ru

Yurtimizning noyob

Ер юзида 10 000 га яқин қушларнинг тури бор. Улар турли оиласарга мансуб бўлиб, кўриниши, ҳажми харакатлари билан ажralиб турди. Ҳозирги глобаллашув даврида ноёб қушларни асрash энг муҳим кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади, чунки табиятдаги салбий ўзгаришлар ноёб қушларни камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ноёб ва қирилиб кетиши хавфи остидаги турларни сақлаб қолиш мақсадида ҳалқаро мамлакатлар "Қизил китоб"лари таъсис этилган. Ҳалқаро конвенция, битим, меморандумлар тузилган, маҳсус фондлар ташкил этилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, инсоният табиятдаги бор жонзорларни асрар-авайлаб келажак авлодга етказишига ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Давлат табият музеида жойлашган ҳамда юртимизда учрайди гардайи айрим ноёб қушлар ҳакида маълум бермоқчимиз:

Қашқалдоқ Евросиёда, Шимолий Африкада ва Австралияда кенг тарқалган. Учиб ўтувчи қуш. Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида дейярли ҳамма жойда (Айдарқўл, Тузкон ва Арнасой кўлларида) жуда куп сонда уялайди, учиб ўтиш даврида учрайди ва қишилайди. Катталиги ўрдақдек ке-

лади, оғирлиги 0,5-1 кг гача. Танаси қора тусда, тумшуғи оқ, пешонасида тақир оқ дого бўлади. Қашқалдоқнинг ён томонларидан сиқилган чўзиқ танаси қамишзорларга бемалол кириш, орқага қараган қучли оёклари эса яхши сузиш имконини беради. Эркаклари урғочидан каттароқ. Саёз ва ўт босган кўлларда уялайди. Қашқалдоқ жуфти унинг уялаш ҳудудини бошқа қушлардан жуда муҳофаза қилади. Қамишзорларга қуруқ поя ва барглардан уя қуради ва унга 6-12 та тухум кўяди. Тухумни урғочиси ва эркаги 22 кун босиб ўтиради. Ёшлари 65-80 кундан кейин учишни ўрганадилар ва мустақил ҳаёт бошлайдилар. Қашқалдоқ сувутлар, сувда яшовчи умуртқасизлар, майдада балиқлар билан озиқланади. Ов паррандаси сифатида қадрланади.

Кулранг каркара (ёки кўк кўтон) катта қуш бўлиб, массаси 1,1-2,3 кгга, қанотларини ёзгандаги кенглиги 175-195 см га етади. Унинг узун оёклари ва бўйни қирғоқ саёзликлари, ботқокликлар ва дарёлар қўйиладиган жойларнинг типик вакили эканлигидан да- лопат беради. Учаётган кўк кўтоннинг қанотлари кең г ёзилган, оёклари орқага узатилган ва бўйни илонизисимон эгилган бўлади, бу билан лайлаклар ва турналардан фарқ қилади. Кулранг тусда, учган вақтида қанотларининг остидаги кенг қора

йўл яхши кўриниб туради. Қулранг каркара Евросиё ва Африкада кенг тарқалган. Ўзбекистонда текисликдаги катта кўл ва дарёлар, қамишзор ва туқайзорлар мавжуд жойларнинг деярли ҳаммасида уя қуради. Айдарқўл ва Тузкон кўлларида бу қуш уялашда, учиб ўтиш даврида ва қишида учраши одатий ҳол ҳисобланади. Қамишзор ва сув босган бутазорларда, баъзан колония бўлиб уялайди. Май ойида 3-7 (одатда 4-5 та) оч яшил, ҳаворанг тухум кўяди ва 26-27 кун босиб ётади. Полапонлари июлда уча бошлайди.

Майда балиқлар, майда кемирувчилар, судралиб юрувчилар, курбақалар, умуртқасизлар билан озиқланади. Айдар, Тузкон ва Арнасой кўлларида бошқа каркаралар турларини ҳам кузатиш мумкин:

Оққўз (ёки ола қанотли ўрдақ) Шарқий Европа жануби, Сибир жануби, Ўрта Осиё, Қозогистон, Хитой, Мугулистонда уялайди ва Жанубий Европа, Шимолий Африка, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Ўрта Осиёда қишилайди. Ўзбекистонда Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёларининг сув ҳавзаларида уялайди, учиб ўтиш даврида учрайди ва қишилаб қолади. Айдарқўл, Тузкон ва Арнасой кўлларида жуда

кам сонда уя қуради, қушлар учиб ўтиш даврида учрайди ва қишилайди. 1960-йилларда Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида учраши одатий эди, ҳозирда сони кескин камайиб кетган. Ўзбекистоннинг худудида 3-4 минг донаси уялайди. Ҳалқаро ва Ўзбекистоннинг Қизил китобларига киритилган. Сув ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган текисликдаги йирик сув ҳавзаларида яшайди. Баҳорги учиб ўтиши феврал-мартда бўлади. Қирғоқ бўйидаги қамишзорларда ерга ин қуради. Май-июнда 6-12 та тухум кўяди ва 24-25 кун босиб ётади. Полопонлари август-сентябрда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши сентябр-октябрда. Сув ўсимликлари ва сувда яшовчи умуртқасизлар билан озиқланади.

Ушбу ноёб қушлар ҳақида маълумот беришимиздан мақсад юртдошларимизни қушларни гўзал оламига бир назар ташлаб, табият нақадар гўзаллигини, шу она заминга меҳр муҳаббат ҳиссини ўйготиш ва уни асараб авайлашга чақиришдан иборат. Чунки бу жонзорларни асарамасак келажак авлод бизларни кечирмайди.

**М.ШУКУРОВА,
З.ШЕРНАЗАРОВ,
У.УРМАНОВА,**
Ўзбекистон Давлат
табият музеи Маркетинг
ва туризм бўлими.

TULKILAR ERTAKLARDAGIDEK AYYOR EMAS



Тоғолди ва тоғларда ҳаёт кечирувчи тулкилар асосан тунда, қиши фаслида эса кундузи ҳам фаол бўлади. Айёрлик, тезлик, эпчиллик уларга хос. Ҳар қандай товушни, ҳатто ер остидаги майда сутэмизувчиларнинг шитирлашини ҳам эшигади.

Тулки оиласи қуриб қолган дарё ўзанларида, тепалик ва чакалакзор чеккаларидаги бошқа жониворлар қазиб кетган жойларни кенгайтириб, ин қилиб олади. Оилада ҳар бир тулкининг қатъий вазифаси бор: оила бошлиғи бўлмиш ота тулки болалари ва ин атрофини қўриқлайди. Она тулки эса туни билан ов қилиб, саҳар пайти болаларининг қорнини тўйдирish учун қумсичқон, қўшоёқ, юмонқозиқ ҳамда турли ҳашаротларни тутиб келади. Уддасидан чиқса каклик, жайра, тўрғайларни ҳам тутиб ейди. Баъзан қишлоқ оралаб уйлардаги товуқларни олиб кетади. Меваларга ҳам бефарқ эмас. Тулкичалар учун эса она сутига тенг келадигани йўқ.

Она тулки машақатли меҳнатдан сўнг дам олади. Тоғларда ҳаёт кечирishнинг ўзига хос қийинчиликлари

бор. Она тулки болаларини нима билан ва қандай озиқлантириш кераклигини яхши билади. Шунга қарамасдан тулки болаларининг барчаси бирдек яшаб кетолмайди. Негаки, уларнинг ўсиб-улғайиши ва ривожланиши обҳаво муруватига ҳам боғлиқ. Баъзилари очлиқдан нобуд бўлади.

Ота тулки жуфтига доимо ғамхўрлик қилади. Кичиларига кўз-қулоқ бўлиб турди. Бирор хавфни сезса увиллаб, уларни огоҳлантиради.

Тулки болалари улғайган сайин инларига сиғмай қолади. Шунда ота-она тулкилар ўзлари учун янги ин қазишларига тўғри келади.

Кунлар, ҳафталар ўтиб кичкин-тойларнинг бўйи ота-оналари бўйи билан тенглашади. Иштаҳалари ҳам яхшиланиб боради. Қимирлаган майда жониворлар борки, улар ўлжасига

айланади. Ёш тулкилар эрталабки қуёшда бироз исиниб, ўйнаб қувват олгач, оналари келтириб қўйган куён оёклари, думи, қулоқлари, қуш қанотлари ва ин яқинида ётган бошқа қолдикларни ўйинчоқ қилиб ўйнайди. Энага тулки уларга яранган ҳайвонлар келтириб беради. Тулкичалар уларни овлашни ўрганадилар. Бундай машғулотлар уларда эпчиллик ва чаққонликни шакллантиради. Ов қилишини ўзлаштирган тулкичалар ҳаёт сабоқларини олгач, мустақил яшашни бошлайди.

Тулкилар ҳид орқали мулоқот

қиладилар. Новдада қолган қора белгилар бошқаларнинг қаҷон келиб кетгани, худуд хавфдан холи ёки хавфли эканлигини билдиради.

Тулкиларнинг ҳаммаси ҳам эртаклarda айтилганидек момикина мўйнали, чиройли думини кўз-қўзлаб юрувчи олифта, тайёрга айёр текинхўр, дангаса эмас. Аксинча, абжир овчи, меҳнаткаш, болаларига ғамхўр ҳайвон. Энг муҳими, бу чиройли, чақон жонивор кемирувчилар, заараркунандаларнинг кушандаси, она табиятимиз мусаффолигини таъминловчи санитар ҳамdir.

**Нилуфар НОРТОЙЛОҚОВА,
Фаллаорол туманидаги
22-умумтаълим
мактаби ўқитувчisi.**



"Менга эр керак, киримни ювадиган эр..."
"Қизлар бокира бўлайлик"
"Ухлатадиган дамлама ухлатади..."
"Эй менга қара, сани ман билан нима ишинг бор-а..."

Юқорида айтилган гаплар шунчаки ҳазил гаплар эмас, шунчаки реклама, эълон эмас, асия ёки юмор ҳам эмас. Оналарнинг, аёлларнинг, бўлғуси оналарнинг, янаям аникроғи миллат тарбиячиларининг беистихола оғзидан чиқиб кетаётган ва бутун дунёни айлананаётган гаплари. Энг ачинарлиси бундай гапларни бехижолат айтиётган аёлларнинг сафи кундан кунга кўпайиб бораётгани....

"Биз ҳозир андишанинг бандаси, ўғлим... бизнинг оиласдан лавфсизлик чиқиши мена маъқул кўринмайдир". Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарини ўқиш жараёнida, "андиша", "ор-номус", "уят" сўзларига қайта-қайта дуч келамиз. Аслида асарнинг бадиий қиммати ҳам шунда. Асар ўзбекнинг андишаси, халқимизнинг гўзал одоб-ахлоқи маҳорат билан тасвирлангани учун ҳам барчага бирдек ёқади. Ҳатто рақиби билан ҳам одоб чегарасидан чиқмай муомала қилган асар қаҳрамонлари ҳамон бизни тарбияламоқда, десак муболага бўлмайди. Ҳар гал "Ўткан кунлар"ни кўлга олганимда қаҳрамонларнинг андиша билан бош эгиб туришлари, уятдан қизарган юзлари, ҳаё билан боқсан кўзлари гавдаланади. Ва бе-иҳтиёр Абдулла Авлонийнинг мана бу гаплари хаёлимдан ўтади: "Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур". Ахир, уятдан қизарган юз қора қалбдан яхшироқ, дейишади.

Андиша ҳақида сўз кетганида аввало она, аёл кўз олдимизда гавдаланади. Донишмандлардан бири: "Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилайман", дейди. Яхши она дегани аввало андишали, ахлоқли ва кучли оналар назарда тутилади. Нима учун? Чунки миллатни оналар тарбиялайди. Бола она қорнидаётқ онанинг маълум характеристики, руҳий ҳолатини ўзлаштиради. Бу мутахассислар томонидан исботланган теория. Масалан, бир она боласи билан ҳар доим бақириб-чақириб гаплашади, бола вояга етгач худди шу оҳангда она билан гаплашади. Аксинча, онаси мулойим болалар барча жойда, ҳар қандай инсоннинг олдим-да ҳалимлик билан муомалар қиладилар. Чунки биз нафақат болаларимизни уларнинг олдида эканлигимизда, балки уларни ёнида йўқ пайтимиз ҳам тарбиялаётган бўламиз. Бола тарбияси ана шундай нозик бир пайтда оналарнинг "Тик ток" деган ижтимоий тармоқларда беўхшов хатти ҳаракатлари билан видеочишилар қилаётгани бугун жуда ачинарли.

Масалан, бир аёл "Менга эр керак, ишдан келишимни кутиб оладиган,

TikTok dagi BEANDISHA ONALAR

уй ишларини жой жойига қўядиган эр керак", деб ҳазил қилмоқда. Энди айтинг-чи, онанинг мана шундай андишасизларча ҳазил бўлсада видео чиқиш қилаётганини кузатган, бир неча бор ҳиринглаб томоша қилган бола келгусида бундан баттар видео олишига, ҳар қандай андишасизлники амалга оширишига шубҳа йўқ. Ёки қизларнинг яъни бўлғуси оналарнинг баралла йигитлардек сўкиниб видео олишларини-чи. Ахир бу видео ортида миллат шаъни, миллат оналари ору номуси туриди. Тик Ток деган ижтимоий тармоқда бундан ҳам баттар видеороликлар борки уни кўришгаям, бу ерда изоҳлаб ёзишга ҳам хижолат тортади одам.

Ҳар қандай қабиҳ ишни қилиб заррача уялмаётган, андиша қилмаётган, бошини баланд кўтариб яшаётган кимсаларнинг беандишишалиги келажак авлод учун қимматга тушмасмикан? Чунки қилган хатосидан заррача пушаймон емаган орсиз одам хато устига хато, ёмонлик устига ёмонлик қилаверади. Том маънода андишасизлик инсонни энг қабиҳ йўлларга бошлайди. Адибимиз Абдулла Қаҳҳор ҳам ўз замонида андиша ва ҳаё-ибо ҳақида шундай мулоҳаза қилган: "Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, аммо инсон уятини йўқотиб ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин".

Энг ажабланарлиси, аёллар, оналар бу қилмишларидан заррача уялмаётгани, бошини баланд кўтариб, дадил-дадил гапираётгани. Албатта, бундай андишасизлик, ҳаёсизлик қораланмаётганини кўрган баъзи балоғат остоноасида турган ёш қизлар аёлнинг хатосини тақрорлаши табиий. Ҳусайн Воиз Кошифий айтадилар: "Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқ

"Menga er kerak, kirimni yuvadigan er..."



бўлса ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир-бираiga бефарқ қарайдиган бўладилар".

Уят бўлади. Мана шу биргина "уят бўлади", деган иборани қулоғига қуйиб вояга етган ҳар бир инсон қанчадан-қанча ёмонликлардан ўзини тиади. Уялганимиз, андиша қилганимиз учун ҳам хато қилишдан тийиламиз, одамларнинг дилига озор етказмасликка ҳаракат қиламиз. Ахир "уят ўлимдан қаттиқ" ёки "Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар", деган гаплар бежизга айтилмайди.

Яна ўша Тик Токда бир аёл унга танбех берганларга шунчалар ҳақоратли сўзларни ёғдирияпти, беихтиёр бундай аёлларга панд насиҳат ҳам хайф эканлигидан ўкинасан. Агар мана шу аёлларда озроқ ҳаё андиша бўлганида ўзларига нисбатан айтилган шармандали изоҳлардан хulosса чиқаришлар, уятдан юзлари қизарар эди. Йўқ аксинча "сен ўзингнинг атрофинингдаги аёлларга опа-синглинга хўжайнлик қил, бошқалар билан ишинг бўлмасин, ўз гуноҳимиз учун ўзимиз жавоб берамиз", дэя ҳозиржавоблик билан видео қилиб чиқишибди. Ростдан ҳам ўйланасан одам, буларга кўй дейдиган ака-укалари, ота-боболари йўқмакан. Аслида буларнинг ҳақоратта ҳақорат билан жавоб берабидавомли видео қиқаришидан мақсад ҳам пул ишлаш. Видеони савияси ҳеч кимни қизиқтиримайди. Бошқаларни ҳақоратлайсанми, сўкинасанми, алмойи жалмойи қиликлар қилиб чиқасанми пул

оқиб кепаверади. Аянчлиси қандай йўл билан бўлса-да пул топишга интилиш. Аммо бир дақиқага ҳам етмайдиган бундай видеороликлар қанчадан қанча ёшларнинг онгини бир умрга заҳарлаётгани энг оғир масала бўлиб туриби.

Ўғил-қизларга мардликни ўргатадиган, ҳаё ибода ўрнак бўладиган ҳам аслида аёл – она. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур авлодларининг жисмоний тарбиясини энг тажрибали ва паҳлавонларга ишониб топширган бўлса, фарзандларининг руҳий дунёсига сайқал беришни оқила малика Сароймулхонимга ишонган эди. Жасур саркарда Жалолиддин Мангубердининг мард, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, адолатпарвар айни пайтда саҳифа қалбли йигит бўлиб етишишида ҳам онасининг хизматлари катта бўлган. Ҳарб соҳасида Жалолиддинга етук устозларни онаси тайинлайди.

Ойчечак она мўгуллар босқини арафасида Жалолиддин Хоразмни ташлаб чиқкан кундан бошлаб то Синд дарёси бўйидаги тўқнашувгача ўғли ёнида бирга бўлади. Ўғлининг Наса, Нишопур, Қандаҳор, Ғазна яқинидаги мўгулларга қарши жангларида унга далда беради.

Бежиз Амир Темур бобомиз ўғиллари, невараларини уйлантириш ташвишида келин изламоқка шахсан ўзи эътибор бермаган. Соҳибқирон ҳазратлари оиласа келган келин келгусида факат она эмас, тарбиячи бўла олишини ҳам назарда тутган.

Хўш буғунги оналар, аёллар фарзандларига қай тарафлама ўрнак бўлмоқда. Ўзларининг бу хатти ҳаракатлари билан авлоднинг ривожланишига эмас, деградациялашувига ҳисса кўшмаяптими?

ХХ аср бошида яшаб ўтган маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахруддин "Оила" асарида шундай ёзди: "Оиланинг асл устуни хотундир. Зоро, эркаклар хулқу тарбия хусусида хотунларидан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслар. Ҳатто буюк мактабларда олий фикрли одамлар ҳузурида илим олувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшайдилар ва бу тарбияни сўнгги кунларига қадар сақлайдилар."

Бу мулоҳазалар Тик Токдаги оналарга ҳам тегишилди. Тик Токда андишасизлик қилаётган аёллар она сифатида дунё яхшиланишига ҳисса кўшолмаслиги аниқ, лекин дунёни ёмонлашувига, келажак авлоднинг хулқига салбий таъсир кўрсатишига ҳам ҳақиқи йўқ... Мана яна бир Тик Токдаги андишасизлик: бу ўғилнинг тортни оналарининг юзига туғилган кунида шуваб ташлагани. Ижтимоий тармоқларда жуда катта баҳсга сабаб бўлган бу видео орқали шундай хуносага келиш мумкин: хокисоргина онага шундай муаммолар ва кўполллик қилинаётгани жуда таассуфланарли ҳолат, аммо ТикТокда беандишеларча қилиқ қилиб чиқаётган оналар огоҳ бўлинг: кела-жақда бундан баттар кўргуликлар сизни кутиб турган бўлиши мумкин.

Барно СУЛТОНОВА.

